
Тошлоқ туманидаги барча умумтаълим мактабларида "Сўнги қўнғироқ" тадбирлари бўлиб ўтди.

Бугун, 25 май куни юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлгани каби туманимиздаги таълим масканларида ҳам жорий ўқув йили яқунланиши муносабати билан "Сўнги қўнғироқ" тадбирлари бўлиб ўтди.

Туман ҳоқими А.Джурабаев тумандаги 2-хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўтказилган "Сўнги қўнғироқ" тадбирида қатнашиб, битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларга табриги"ни етказиб, юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Байрам тадбирида ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларни рақсга чорлади. Тантанада ота-оналар, меҳмонлар битирувчиларни табриклар, уларга таълим-тарбия берган устозларга миннатдорчиликларини билдирдилар.

Тумандаги 51 та мактабларда "Сўнги қўнғироқ" тадбирлари ана шундай байромана тарзда нишонланди

2022-05-26 10:11:43